



ЎҚИТИШ ВА ЎРГАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ПЕДАГОГИК ҲАМДА АДРАГОГИК ЁНДАШУВИНИНГ УМУМИЙ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Юсупжанова Феруза Қурбановна

Гуманитар йўналишлар бўйича

чет тиллари кафедраси катта ўқитувчиси

Абдуразақова Шохсанам Тожибоевна

Фарғона давлат университети 2-босқич магистранти

Лингвистика: Инглиз тили

Аннотация: *мазкур мақолада педагогика ва андрагогика тушунчаларига уларнинг умумий, ўхшаш ҳамда фарқли томонлари ҳақида сўз олиб борилган.*

Калит сўзлар: *андрагогика, педагогика, автономлик.*

Жадал ривожланиб бораётган мамлакатимизда таълим тизимига қаратилаётган катта эътибор тизимнинг турли босқичларини янада ривожлантиришга ҳамда ушбу босқичларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жараёни тўғри, самарали ва фойдали ташкиллашни тақозо этади. Шундай экан, таълим тизимининг турли босқичларида, жумладан, халқ таълими, олий таълим каби босқичларда жуда кўп муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлиб келаётган педагогика ва андрагогика тушунчаларига уларнинг умумий, ўхшаш ҳамда фарқли томонларини ушбу мақоламизда батафсил баён қиламиз.


Асли юнон тилидан кириб келган педагогика ва андрагогика атамалари ўзларининг луғавий маънолари жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Андрагогика терминини таҳлил қиладиган бўлсак, андрагогика сўзи юнонча *ἀνδρ-* (андр-) “одам” “эркак”, *ἀγῶγος* (агогос) эса “етакламоқ” каби маъноларини англатади. Демак, андрагогика сўзма-сўз “одам, эркак етакловчи” маъносини билдирса, “педагогика” эса “*paidagogike*” ‘*παῖς*’, *paída* — бола, ‘*ἄγω*’, *gogos* етакловчи) сўзма-сўз “болаларни етакловчи”, “болага йўл-йўриқ кўрсатиш ёки ўргатиш” деган маъноларни англатади. “Педагогика” сўзи “андрагогика” сўзи билан таққослаганда анча қадимий. Ушбу сўзнинг биринчи марта қўлланилиши 1500 йилларнинг ўрта ёки охирига тўғри келиб, латин ва юнон илдизларига бориб тақаладиган француз тилида пайдо бўлган. Андрагогика, яъни катталарни ўқитишда қўлланиладиган усуллар ва методларини англатувчи янги сўз бўлиб, у 1800 йилларда педагогиканинг немис тарихшуноси Александр Капп томонидан қўлланилган ҳамда 1960 йилларда катталарни ўқитишга эътибор қаратган Малколм Ноулз томонидан оммалашган. 1950 йилгача барча тадқиқотлар болаларга қаратилган эди ва катталарни ўқитиш борасида эса бундай ишлар олиб борилгани номаълум. Иккала сўзларнинг чуқур таҳлиliga эътибор қаратсак, педагогика “юқоридан пастга”, яъни ўқитиш жараёнида





Ўқитувчи ўқувчини назорат қилади, ўқувчининг билим олишини ўзининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилади ва шунга мос ўқитиш методларни танлайди. Андрагогика эса катталарнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўрганишнинг энг сара методларини танлаш ҳамда уларни чуқур таҳлил қилишга қаратилган, катталар таълимида билим олиш ҳамкорликда амалга оширилиб, ўқитиш ва ўрганиш жараёнда улар ўзаро тажриба, фикр ва мавжуд билимини алмашадилар. Педагогик жараёнда болаларнинг мотивацион томони олган билимларига яраша рағбат (баҳо) бўлса, андрагогик жараёнда эса янги тажриба, билим муҳимроқ ҳисобланади.

Юқоридан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, педагогика болаларга, андрагогика эса катталарга йўнатирилган ўқитиш усуллари дир. Бироқ ҳозирги кунда педагогика ўқитишда қўлланиладиган назариялар ва уларни амалиётга тадбиқ қилувчи усулларни англатади, аммо ўтмишда педагогика болаларга таълим беришда қўлланиладиган усулларни назарда тутилган. Андрагогика эса катталарни ўқитишда қўлланиладиган усулларга эътибор қаратадиган соҳадир. Шу жиҳатдан педагогика андрагогика соҳасига тобора яқинлашиб бораётганидан далолат беради. Бир қарашда андрагогика катталар таълимида қўлланиладиган усул ва ёндашувларни англатиб, ўз-ўзини англаш, тажриба орттириш ва шу жараёнда юзага келган муаммоларни хал қилишга қаратилган соҳа бўлса, бундан фарқли ўлароқ педагогика таълимнинг шундай усулики, бунда ўқувчи таълим олиш жараёнида бевосита таълим берувчи-ўқитувчига боғлиқдир. Андрагогика катталар таълимида қўлланиладиган усуллар ва тамойилларни англатади, яъни таълим назариясининг катталар субъекти томонидан билим ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг ўзига хос қонуниятларини, шунингдек, таълим фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини очиқ берувчи ўқитиш назариясининг бўлими ҳисобланади. Педагогика тарбия, таълим ҳамда маълумот беришнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганувчи фанлар мажмуаси ҳамдир. Педагогика фан сифатида бола тарбиясининг назарий асослари билан шуғулланган бўлсада, замонавий педагогика болалар билан биргаликда катталарнинг ҳам ўқув-тарбиявий, маданий ҳамда маънавий-маърифий тарбияси билан ҳам шуғулланишни ҳам кўзда тутди. Мамлакатимизда педагогикага баркамол шахс маънавиятини шакллантиришнинг асосий воситаси сифатида ёндашилади. Шундай экан, бу иккала тушунчалар бир-биридан батамом фарқ қилади ва бири иккинчиси ўрнида қўлланила олмайди, лекин улар умумий жиҳатларга эгадир. Педагогика тарбия жараёнининг қонуниятлари, таркиби ва уни ташкил этиш механизмларини тадқиқ этади, тарбиявий ва ўқув ишларининг мазмунини, тамойиллари, уларни ташкил этиш шакл, усул ҳамда йўсинларини белгилаб беради. Педагогиканинг асосий вазифаларидан бири – шахсни тарбиялаш, ўқитиш ва шакллантириш бўлса, андрагогикада эса инсондаги бор билим ва тажрибани йўналтириш ҳамда мос усулларда уни ривожлантиришдир.






Педагогикада шахсни тарбиялаш каби асосий тушунчага таяниб, оила ва жамиятнинг баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилган биргаликдаги фаолиятни англатади. Тарбия ёрдамида инсон шахсининг маънавий жиҳатларини қарор топтириш кўзда тутилади. Ўқитиш натижасида эса шахс зарурий билимлар билан таъминланиб, келгусида турли даражадаги махсус маълумотни олиш имконига эга бўлади. Тарбиялаш ва ўқитиш жараёнлари натижасида инсонда муайян шахс сифатлари шакллантирилади. Шахсни тарбиялаш ва ўқитиш орқали ўзида аввал эга бўлмаган маънавий-интеллектуал сифатларга эга бўлади. Бу хол эса шахснинг умри давомида узлуксиз давом этади ва унинг ривожланишига омил сифатида хизмат қилади. Андрагогика эса инсонда мавжуд бўлган бўлган сифатларни янада ривожлантиради, инсоннинг ноёб қобилиятларини очишига туртки бўлади ҳамда уларни маълум фанларга йўналтиради. Педагогика фалсафа, этика, эстетика, маданиятшунослик, психология, иқтисодиёт, сиёсатшунослик, демография, тарих, адабиёт, тиббиёт ва шу каби фанлар билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг фан ва амалиёти тараққиётида бу фанларнинг назарий асослари, тадқиқот методлари, илмий хулосаларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш усулларидан фойдаланади. Ўз ўрнида андрагогика ҳам юқорида санаб ўтган фанлар билан ҳам иш олиб боради ва уларни йўналишлар сифатида ажратиб кўрсатиб, таҳлил қилиш каби методига таянади.

Ўқитишнинг педагогик ҳамда андрагогик нуқтаи назардан келиб чиқиб, болаларни ҳамда катталарни ўқитишда қуйидагиларга эътибор қаратилиши керак:

Автономлик. Катта ёшдаги ўрганувчилар ўрганишда жуда мустақил бўлиб, кичик ёшдаги ўрганувчиларда эса аксинча, улар назоратга муҳтождир. Автономлик катта ёшли ўрганувчиларнинг билим олиш жараёнида муҳимдир ва уларга автономлик ижобий таъсир кўрсатади ва хатто баъзи ҳолатларда самара ҳам беради. Кичик ёшдаги ўрганувчилар учун назорат ҳамда маълум режа асосида билим бериш автономликдан устун туради.

Ўрганиш (билим олиш). Кичик ёшдаги ўрганувчиларга ўқув материалларни турли хил ўйинлар, қўшиқлар, ранг-баранг расмлар орқали етказилса, катта ёшдаги ўрганувчилар учун булар шарт эмас, улар ўқув материалларни чуқур таҳлиллар остида ўрганишни афзал кўрадилар ва улар вақтни ўқув материалларни обдон ўрганишга сарф қилишни афзал кўрадилар. Кичик ёшдаги ўрганувчилар учун ўқув материалларни турли хил усуллар билан ўргатиш мақсадли бўлса, катталар учун ўқув материалларни ўрганишнинг асосий мақсади ўрганиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилишдан иборатдир.

Безовталиқ. Ўрганиш жараёнида безовталиқ асосан катта ёшли ўрганувчиларда кўзга яққол ташланади; янги ўқув материалларни ўрганиш, тушуниш, ёш масаласи, ўрганиш методлар танлови ҳамда бир гуруҳда ишлаётган ўрганувчилар билан муносабатлар безовталиқни келтириб






чиқаради. Кичик ёшдаги ўрганувчиларда эса бу ҳолат умуман йўқ, сабаби улар энергияни ва мотивацияни ўқитувчидан олади ҳамда уларда кучли ҳаяжон, кўрқув каби салбий хис-туйғулар деярли бошдан кечирмайди.

Мотивация. Катта ёшдаги ўрганувчилар учун мотивация энг асосий тушунчадир, чунки мотивация ва мақсад каби тушунчалар бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Мисол учун, хорижий тилларни ўрганиш ёши катта ўрганувчилар учун ўқиш ёки иш учун зарур бўлса, ана шу зарурият ҳамда мақсад уларга мотивация сифатида хизмат қилади. Кичик ёшдаги ўрганувчилар учун мотивация гўёки шам кабидир, ўқитиш жараёнида, яъни синфхонада ёнади; улар учун дарс жараёнидаги қизиқиш ва тушуниш ва қўллай олиш мотивациядир.

Интизом. Кичик ёшдаги ўрганувлар учун дарсни мувафаққиятли ташкил қилиш ҳамда олиб боришда интизом ўта муҳим роль ўйнайди ҳамда бунга алоҳида урғу берилсада, катта ёшли ўрганувчилар учун интизом катта муаммо эмасдир. Сабаби аён, катталар ўзлари интизомга онгли равишда ёндашадилар: вақтни тўғри ва самарали ташкиллаш, ўрганишнинг унумдорлигини ошириш ва ҳаётга тадбиқ қилиш каби жараёнларда.

Тажриба. Энг катта фарқларга эга бўлган тушунча-тажриба ҳақида сўз олиб борсак. Юз бераётган ҳодисаларга муносабат кичик ёшдаги ўрганувчиларда қизиқувчанлик, таассуротлар ҳамда қувват оқими бўлса, катта ёшли ўрганувчилар учун тажриба саналади. Кичик ёшдаги ўрганувчилар синфхонага бой ва ҳаяжонли таассуротлар билан келса, катталар ўзларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда тажрибаси билан кириб келади. Иккала ҳолат ҳам ўқитиш ҳамда ўрганиш жараёнларини қизиқарли, самарали, сермазмун тус олишига туртки бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, андрагогиканинг педагогикадан фарқли томони шундан иборатки, андрагогиканинг таълимий мақсади тақдим қилинаётган маълумотни қабул қилиш жараёнида унга танқидий ёндашиш ҳамда уни амалиётда қўллай олишдан иборат бўлиб, билим олишга онгли равишда ёндашиш; мустақил ишлашга интилиш; маълум муаммо ҳамда аниқ мақсадга эришиш зарурлиги; ҳаётий тажриба мавжудлиги; ижтимоий, маиший ва вақт омилларининг ўрганишга таъсири каби жараёнларни ўз ичига олади. Педагогика эса назорат остида ўрганиш, мақсадлар ўзгарувчанлиги, тажрибага эмас кўпроқ таассуротларга берилиш, қизиқувчанликнинг кучли омил сифатида хизмат қилиши ҳамда рақобат ва рағбатга мойилликнинг кучлилиги билан тубдан фарқ қилсада, педагогика ва андрагогиканинг умумий, ўхшаш томонларидан бири бу-билим бериш ва билим олишдир. Дарс машғулотларни самарали, муваффақиятли ташкиллашда мақолада келтириб ўтган ўқитишнинг педагогик ва андрагогик ёндашувларнинг барча фарқли ҳамда умумий хусусиятларни инобатга олган





ҳолда эътибор қаратиш, ўқув материалларни ўрганувчиларнинг ёши, қизиқиши ҳамда тажрибасига таянган ҳолда танлаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар ва сайтлар:

1. <https://uz.wikipedia.org>
2. <https://elmlarning.com>
3. <https://www.diffen.com>
4. <https://elearningindustry.com>
5. <https://www.theteflacademy.com>
6. Константин Мальцев. [Ценный кадр: как построить эффективную систему обучения в компании.](#) — М.: Альпина Паблицер, 2015. — 112 с. — ISBN 978-5-9614-5236-5.

